

Ватани аслий



16:12 / 24.01.2020 3644

Савол: Ўртоғим Тошкент шаҳрида ўқийди, ҳали уйланмаган. Келажакда Тошкентда яшаб қолмоқчи. Тошкентга бориш-келишда намозларини қаср ҳолатда адо этади. Шахсий ишлари юзасидан ёки ота-онасини зиёрат қилгани 7-10 кунга Хоразмга келса, Хоразмда муқим ҳисобланадими ёки мусофир?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳанафийларнинг энг машҳур китобларидан бири бўлмиш «Бадоеиус-саноиъи фий тартибиш-шароиъи» китобида қуйидагилар айtilган:

«Ватани аслий битта ёки кўп бўлиши мумкин. Бировнинг икки юртда ҳам ҳовлиси ва аҳли бор. Аҳлининг ундан чиқиш нияти йўқ. Агар у йил бўйи аҳлидан аҳлига ўтиб юрадиган бўлса ва аҳли бор бир юртдан аҳли бор

иккинчи юртга сафар қилишни ният қилса, ўз-ўзидан муқим бўлиб қолаверади.

«Фатавойи Ҳиндийя» китобида қуйидагилар айтилган:

«Агар аҳли ва кўч-кўлони билан бошқа тарафга кўчиб кетса ва аввалги юртида ҳовлиси ва кўчмас мулки қолса, ўша аввалги юрт ҳам унга ватанлигича қолади. Бунга имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳи китобда ишора қилган».

Шунга биноан, ўртоғингиз ўз уйига борганда муқим ҳисобланади. **Валлоҳу аълам.**

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан